



## ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАЙИНЛАШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Собиров Фуркат Бахромбой ўғли

ИИБ Академияси Криминалистик экспертизалар  
кафедраси бошлиғи ўринбосари, ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20566875>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil  
Ma'qullandi: 28-may 2026 yil  
Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

### KEYWORDS

хатшунослик экспертизаси,  
намуналар, хатшунос  
эксперт, тадқиқот, илмий  
хулоса.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада имзолар бўйича хатшунослик экспертизасини тайинлаш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, мазкур жараённинг назарий ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, ушбу жараёнда юзага келаётган бир қатор муаммоли ҳолатлар ва уларни бартараф қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига асослантилган таклифлар келтириб ўтилган.*

Бугунги кунда жиноятларнинг содир этилиш усуллари йилдан-йилга мукаммал кўриниш ҳосил қилаётган бир даврда, суд экспертнинг хулосаси иш бўйича асосий далиллардан бири сифатида эътироф этилиши тобора оддий холга айланиб бормоқда. Гарчи, жиноят-процессуал қонунчилигида эксперт хулосаси бошқа турдаги далилларга нисбатан ҳеч қандай устунликка эга эмаслиги назарда тутилган бўлсада, айрим ҳолларда айнан эксперт хулосасининг ишни мазмунан ҳал қилишдаги аҳамиятини инкор этиб бўлмайди [1, Б.64].

Миллий қонунчилик ҳужжатлари ичида бевосита суд экспертиза тадқиқотларини хусусан, имзолар бўйича хатшунослик экспертизаларини ўтказишни тартибга солиш учун ишлаб чиқилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, улар қаторига Ўзбекистон Республикасининг "Суд экспертизаси тўғрисида"ги (2010 йил 1 июнь ЎРҚ-249-сон) Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994 йил 22 сентябрь), Фуқаролик процессуал (2018 йил 22 январь) кодекслари, Вазирлар Маҳкамасининг Суд экспертиза соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги (2021 йил 22 ноябрь 706-сон) ва Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақидаги (2023 йил 21 февраль 73-сон) Қарорларини киритиш мумкин [2, Б.48].

С.А.Нурумбетова таъкидлаганидек республикамызда экспертлик фаолиятини тартибга солувчи мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бугунги кунда суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш фаолиятини тартибга солибгина қолмасдан, барча экспертларнинг ўз хизмат вафизаларини бажаришларида етарлича ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади [3, Б.46]. Бироқ, бу билан экспертлик фаолиятида бошқа ҳеч қандай ҳуқуқий асос қабул қилмаслик ёки мавжуд норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар киритмаслик керак деган нотўғри қарашга бормаслик лозим.

Назаримизда, барча соҳалар сингари экспертлик фаолияти бўйича ҳам мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доимий равишда замон талабидан келиб чиққан ҳолда, такомиллаштирилиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур мақола доирасида имзолар тадқиқоти бўйича хатшунослик экспертизасини ўтказиш давомидаги қуйидаги:

➤ Имзо(лар) тадқиқоти юзасидан суд-хатшунослик экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)ларда экспертиза тадқиқоти номини ёзиш тартибидаги турлича қарашлар;

➤ Хатшунослик экспертизасида имзолар тадқиқоти учун, намуналар олиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар доирасини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар;

➤ Эксперт текшируви учун намуналар олиш жараёнининг видеоёзувда қайд этилмаслиги каби бир қатор ҳолатлар мантиқий кетма-кетликда таҳлил қилинади.

*Имзо(лар) тадқиқоти юзасидан суд-хатшунослик экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)ларда экспертиза тадқиқоти номини ёзиш тартибидаги турлича қарашлар:* бугунги кунда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьялар томонидан имзолар бўйича хатшунослик экспертизасини тайинлаш тўғрисида чиқараётган қарор (ажрим) номлари қуйидагича:

➤ Хатшунослик экспертизаси тайинлаш тўғрисида қарор (ажрим);

➤ Суд-хатшунослик экспертизаси тайинлаш тўғрисида қарор (ажрим) тарзида икки хил ном билан аталиб келинмоқда.

Шу ўринда мазкур тушунчаларнинг қайси бири тўғри ёки хар иккала тушунча бир-бири билан синоним сўзларми деган ўринли савол юзага келиши табиий. Қуйида айнан ушбу масала юзасидан ўрганишлар олиб борилади ҳамда аслида қайси бири тўғри эканлигига ойдинлик киритилади.

Мазкур ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида юқорида суд экспертиза тадқиқотларининг ҳуқуқий асослари сифатида келтириб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилганда, ҳаттоки қонунчилик ҳужжатларида ҳам мазкур жараёнга икки хил қараш мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунининг барча моддаларида қонун номига монанд равишда “суд экспертизаси” атамаси ишлатилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ҳамда Фуқаролик процессуал кодекслари ўрганиб таҳлил қилинганда ушбу кодексларнинг аксарият моддаларида “экспертиза” атамаси ишлатилган бўлиши билан биргаликда айрим моддаларида, хусусан ЖПКнинг қуйидаги: 22, 154, 247, 265, 269, 405<sup>7</sup>, 497<sup>25</sup>, 567, 568, 570, 571 ва 580-моддаларида ҳамда ФПКнинг 236-моддасида “суд экспертизаси” атамаси ишлатилган [4].

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, юқорида берилган саволга жавоб берилган тақдирда қуйидагича натижа чиқишини кўриш мумкин:

• Ўзбекистон Республикасининг Суд экспертизаси тўғрисидаги қонунига асосан имзолар тадқиқоти юзасидан тайинланган қарор (ажрим)нинг номланиши қуйидаги: суд-хатшунослик экспертизаси тайинлаш тўғрисида қарор (ажрим) кўринишида акс этиши лозим;

• Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ҳамда Фуқаролик процессуал кодексларига асосан эса имзолар тадқиқоти юзасидан тайинланган қарор (ажрим)нинг номланиши жавобларда кўрсатилган ҳар иккала кўринишда яъни, “хатшунослик экспертизаси тайинлаш тўғрисида қарор (ажрим)” ва “суд-хатшунослик экспертизаси тайинлаш тўғрисида қарор (ажрим)” атамалари мос тушади.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан шуни англаш мумкинки, бугунги кунда суд экспертиза тадқиқотларини тайинлаш жараёнида экспертизанинг номларини ёзишда турли хил ёндашувлар мавжуд. Айнан шу йўналишда халқаро, хусусан Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси тажрибалари ўрганилганда, ушбу давлатларнинг бевосита суд экспертиза фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ЖПКларида “экспертиза” атамаси умуман ишлатилмаганлигини кўриш мумкин [5, Б.101].

Фикримизча, миллий қонунчилик ҳужжатларимизда “суд экспертиза” ва “экспертиза” атамаларини ишлатишнинг маълум бир меъёрларини ишлаб чиқиш лозим. Бунда агар тадқиқот жараёни пуллик асосда ўтказилиши лозим бўлса, шунчаки экспертиза номи (хатшунослик экспертизаси кўринишида), агар пуллик шаклда эмас, балки терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья томонидан чиқарилган қарор (ажрим) юзасидан ўтказилса экспертиза номининг олдида “суд” сўзини қўшиш орқали (суд-хатшунослик экспертизаси кўринишида) ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Бир қарашда оддий кўринган ушбу ҳолат бугунги кун экспертлик амалиётида жиддий баҳс мунозараларга сабаб бўлиб келади. Мазкур таклифнинг амалга оширилиши натижасида аввало қонунчилик ҳужжатларида ҳар бир сўз ўз ўрнида ишлатилишига эришилади.

*Хатшунослик экспертизасида имзолар тадқиқоти учун, намуналар олиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар доирасини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар.*

Мазкур жараён бир қарашда муаммо эмасдек туюлиши мумкин. Зеро, намуна олиш ваколати берилган орган мансабдор шахслари миллий қонунчилик нормалари билан тартибга солинган ва ортиқча муҳокама қилиш шарт эмасдек кўриниши мумкин. Бироқ, аслида ҳам шундаймикан? Ушбу саволга жавобни қуйида бугунги кунда учраб келаётган реал бир ҳолат доирасида кўриб чиқиш лозим:

*Фуқаро ўзига тегишли бўлган ҳужжатга унинг номидан бошқа бир шахс имзо қўйилганлиги ҳамда ушбу шахсни аниқлаб жазо чорасини белгилашни сўраб терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахсига мурожаат қилиб келди.* Бундай вазиятда табиийки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ҳолатга ойдинлик киритиш учун суд-хатшунослик экспертизасини тайинлаши ҳамда эксперт олдида қуйидаги саволларни қўйиши лозим:

Тадқиқот давомида текширилиши лозим бўлган “А” (маълумотнома, ишончнома ва бошқа) ҳужжатдаги “директор” ёзувининг ўнг томонидаги имзо аризачи Ш. томонидан бажарилганми?

Ўз навбатида мазкур саволга тўлақонли жавоб бериш учун терговга қадар текширув органи мансабдор шахси томонидан эркин, шартли-эркин ва экспериментал турдаги намуналар экспертиза текширувлари учун тақдим этилиши лозим. Айни шу

жойда қонунчилик ҳужжатларидаги қуйидаги бир қатор муаммоли ва бахсли саволлар юзага келади:

Биринчиси: терговга қадар текширув жараёнида экспертиза текширувлари учун намуналар олиш мумкинми?

Мазкур савол юзасидан шуни эътироф этиш мумкинки, амалдаги ЖПКнинг 329-моддасига мувофиқ терговга қадар текширув жараёнида экспертиза текширувлари учун намуналар олиш мумкин эмас.

Иккинчиси: терговга қадар текширув органи мансабдор шахсида намуна олиш ваколатлари мавжудми?

Ушбу савол юзасидан қонунчилик ҳужжатларида икки ҳил қараш мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунининг 17-моддасига мувофиқ терговга қадар текширув органи мансабдор шахсида намуна олиш ваколоти мавжуд бўлсада, ЖПКнинг 189-моддасида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсида бундай ҳуқуқ келтириб ўтилмаган [6].

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, терговга қадар текширув жараёнида намуналар олиш билан боғлиқ аниқлик киритилиши лозим бўлган ҳолат (муаммо) лар етарлича. Мазкур муаммоларни М.Дж.Ботаев ўзининг “Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий тадқиқот иши доирасида ҳам тадқиқ этган ва бу жараённи такомиллаштиришга хизмат қилувчи бир қатор таклифларни ишлаб чиққан.

М.Дж.Ботаев ўтказилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, терговга қадар текширув даврида экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатининг ўтказиш имкони мавжуд бўлмаганлиги, яъни Жиноят-процессуал кодексида ушбу тергов ҳаракатини жиноят ишини қўзғатишдан олдин ўтказиш тақиқланганлиги бугунги кунда ариза ва хабарларни қонуний ҳал қилишда бир қатор қийинчиликларни вужудга келтирмоқда деган фикрни илгари сурган [7, Б.56].

Назаримизда бу ҳолатда М.Дж.Ботаевнинг фикрлари ҳар томонлама тўғри ва асосли. Зеро, терговга қадар текширув жараёнида экспертиза тайинлаш мумкин бўла туриб, экспертиза текширувлари учун намуналар олиш тақиқлангангани мантиқан ҳам нотўғри. Бундан ташқари экспертиза тайинлаш ваколоти берилган терговга қадар текширув органи мансабдор шахсида намуна олиш ваколоти бўлмаслиги ҳам мантиқан тўғри эмас.

Фикримизча мазкур ҳолатларни тўлиқ бартараф этиш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси иккинчи қисмидаги “экспертиза ўтказиш” сўзларидан кейин “*экспертиза текшируви учун намуналар олиш*” ва 189-моддаси биринчи қисмидаги “*суриштирувчи*” сўзидан олдин “*терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси*” сўзларини киритиш орқали янгидан таҳрир қилиш мақсадга мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига таклиф қилинаётган мазкур ўзгаришлар бугунги кунда ариза ва хабарларни қонуний ҳал қилиш жараёнида мавжуд бўлган ҳамда ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммоли ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилади.

*Эксперт текшируви учун намуналар олиш жараёнининг видеоёзувда қайд этилмаслиги.*

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасига мувофиқ видеоёзув орқали қайд қилиниши шарт бўлган қуйидаги: ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш; тинтув; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш; тергов эксперименти; шахсни ушлаш; ҳимоячидан воз кечиш; шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш [8] каби жами еттита процессуал ҳаракатлар келтириб ўтилган. Қолган процессуал ҳаракатларни видеоёзувга тушириш ёхуд туширмаслик масаласини терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, судья томонидан мустақил ҳал қилиниши белгиланган [9, Б.89].

Юқоридагилардан маълумки экспертиза текширувлари учун намуналар олиш жараёнини видеотасвирга тушириш намуна олаётган мансабдор шахс учун мажбурий эмас. Бироқ бу қанчалик тўғри? Назаримизда ушбу ҳолат унчалик ҳам тўғри эмас. Мазкур фикрни қуйида илмий жиҳатдан асослашга қаратилган фикрлар илгари сурилади.

Маълумки хатшунослик экспертизаси объекти ҳисобланган қўлёзма (имзо, ёзув, рақам)лар шахснинг психофизиологик жараёни маҳсули ҳисобланади. Бундай вазиятда эса ўз навбатида шахснинг экспериментал имзо намуналарини бажариш жараёни акс этган видеотасвирни ўрганиш орқали хатшунос экспертда қуйидаги: экспериментал намуналарни бажариш давомида шахсда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар; экспериментал намуналарни шахс учун одатий ёхуд ноодатий ёзув қўли билан бажарганлиги; экспериментал намуналарни бажарилиш шароити ва ҳолати; экспериментал намуналарнинг олиниши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилганми ёки йўқлиги каби келгусида экспертиза тадқиқотини хар томонлама холисона ўтказиш учун кўмаклашувчи маълумотлар олинишига эришилади. Бу эса эса ўз навбатида, ўтказиладиган суд-хатшунослик экспертизасининг хар томонлама объективлигини таъминлагани ҳолда, хулосанинг илмий асосланганлик даражасини мустақамлашга хизмат қилади.

Россиялик тадқиқотчи олима В.С.Горшкова эксперт текшируви учун намуналар олиш жараёнининг видеотасвирга туширилмаслик ҳолатига тўхталиб ўтиб, қонунчиликдаги ушбу қонданнинг нотўғри эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган [10, Б.164].

Назаримизда, бу борада В.С.Горшкова томонидан илгари сурилган қарашлар тўғри ва асосли. Зеро, имзолар тадқиқоти учун экспериментал намуналар олиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда намунаси олинаётган шахснинг экспериментал имзо намуналарини бажариш давомида айрим хатти-ҳаракатларига баҳо бериш мақсадида экспертиза текширувлари учун намуналар олиш жараёнини видеотасвирга тушириш зарурияти мавжуд. Бироқ, процессуал ҳаракатлар шахсни шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини ҳам инobatга олиш лозим бўлади. Бундай ҳолатларда видеотасвирга тушириш жиноят процессининг принципларига мос келмаслигини инobatга олиш мақсадга мувофиқ.

Назаримизда, юқоридаги барча ҳолатларни инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддаси 4-қисмини “Шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлмаса экспертиза текшируви учун

*экспериментал намуналар олиш ёки тайёрлаш*” сўзлари билан тўлдириш мақсадга мувофиқ

**Фойдаланилган адабиёт:**

1. Болтаев. Ҳ.Х., Урозбаев С.О., Байзаков. Қ.К., Астанов..И.Р., “Жиноят ишини юритишда экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари”// услубий қўлланма Т.2016 – б.4
2. Собиров Ф.Б. Имзолар тадқиқотлари жараёнида муаммо ва ечимлар // “Ўзбекистон суд экспертизаси” ҳуқуқий ижтимоий, илмий-амалий журнал. – Т.2022 - № 2 – Б. 46-52
- Нурумбетова. С.А. Трасологик экспертизалар ўтказишни такомиллаштириш. Дисс. Автореферат Ю.ф.б.ф.д. (PhD) – Т.2020 – Б. 46
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси. — URL: <https://lex.uz/docs/3517337>.
4. Собиров Ф.Б. Имзо тадқиқотлари бўйича суд-хатшунослик экспертизаси тайинлаш тартиби: муаммо ва ечимлар // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг Ахборотномаси. – Тошкент. 2022. – № 4. – Б. 98-104
5. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни 249-сон 01.06.2010 // URL: <https://lex.uz/docs/1633102>.
6. Ботаев М.Дж. “Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш” // диссертация – Т.2020 – Б.56
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. — URL: <https://lex.uz/docs/111460>
8. Саҳаддинов С. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳ. Умумий қисм. 2014
9. Горшкова, В. С. Актуальные проблемы получения и оформления образцов для сравнительного исследования для проведения почерковедческих экспертиз / В. С. Горшкова // Закон и право. – 2019. – № 10. – С. 163-166. – DOI 10.24411/2073-3313-2019-10484.